

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.03/30.12.2019. Fіl.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖИМАТОВ МИНХАЖИДИН МИРЗАЖАНОВИЧ

МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКНИ АНГЛАШДА XX АСР
АДАБИЙ СИЙМОЛАРИНИНГ ЎРНИ
(Р.Ҳамзатов ва Ч.Айтматов ижоди ҳамда ўзбек адабиёти масалалари)

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик,
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по филологическим наукам**

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Ходжиматов Минхажидин Мирзажанович

Миллий ўзига хосликни англашда XX аср адабий сиймоларининг
ўрни (Р.Ҳамзатов ва Ч.Айтматов ижоди ҳамда ўзбек адабиёти
масалалари)..... 3

Ходжиматов Минхажидин Мирзажанович

Значение художественных образов XX века в осознании
национальной самобытности (вопросы творчества Р.Гамзатова и
Ч.Айтматова а также узбекской литературы)..... 25

Xodjimatov Minxajidin Mirzajanovich

Literature of the twentieth century in the understanding of national
characteristics the place of images (R. Khamzatov and Ch. Aitmatov's
works and issues of Uzbek literature) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSс.03/30.12.2019. Fіl.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОДЖИМАТОВ МИНХАЖИДИН МИРЗАЖАНОВИЧ

МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКНИ АНГЛАШДА XX АСР
АДАБИЙ СИЙМОЛАРИНИНГ ЎРНИ
(Р.Ҳамзатов ва Ч.Айтматов ижоди ҳамда ўзбек адабиёти масалалари)

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик,
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссияси бюллетенида B2019.2.PhDFil.898 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюмеси) Илмий кенгаш веб саҳифаси www.nuu.uz, «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Комилова Саодат Эргашевна
филология фанлари доктори, профессор

Каримов Наим Фатихович
филология фанлари доктори, академик

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174 Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй. Тел: (+99871)240-08-62; (+99871)227-10-59; e-mail: pauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй, Бош бино). Тел: (+99871)240-08-62.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор;

Н.Э. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.ф.д, доцент;

И.А. Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган глобллашув даврида адабиётшунослик ўзининг янги сифат босқичига кўтарилди ва миллий ўзлик концепциясининг воқеаланиши ва тараққиётида инсон омили, миллий характернинг бадиий такомили, бадиий асар моҳиятини очишдаги аҳамияти ва адабиётнинг умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни акс эттиришдаги даражасини баҳолаш масаласига кенг эътибор берилди бошланди. Миллий адабиётлар ҳам минг-минг йиллар давомида бир-бирига ўзаро таъсир қилган ҳолда бир-бирини уйғотиб, ривожлантириб келиши замонавий адабиётшуносликнинг қонуниятларидан биридир.

Дунёдаги миллий адабиётлар асрий анъаналар, умри боқий тамойиллар, мустаҳкам негиз ва асосга эга миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳисобига бойиб борар экан, юксак истеъдодли адиблар яратган асарлар нафақат ўз миллати, балки қардош халқлар маънавий камолоти, миллий ўзлик тафаккури ва адабиёти ривожига сезиларли таъсир кўрсатиб келаётганини таъкидлаш керак. Зеро, «Ёшларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш»¹да миллий асарларимизнинг жаҳон контекстидаги таҳлили муҳим аҳамиятга эга. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий ўзлик туйғусини англашида миллий қадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир миллат ва элат ўзининг эҳтиёжидан келиб чиқиб уларни белгилайди, хусусан, миллий ўзликни англашга бўлган эҳтиёж XX аср адабий сиймолари Р.Ҳамзатов, Ч.Айтматов, Шукрулло, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, О.Матжон каби адибларнинг ижодий ўзига хослигини адабий-эстетик позиция нуктаи назаридан қиёсий ўрганиш, бетақрор поэтик ифода ва рамзий-мажозий образлар талқини асосида ижодкор концепциясини белгилаш ва кузатишлар олиб бориш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек халқининг бой адабий мероси, ўз навбатида, нафақат Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатлари, балки бутун дунё халқлари қалбида миллий ўзлик туйғуларини уйғотиш ҳамда камол топтиришга муносиб ҳисса қўшиб келди ва шу билан бирга жаҳон адабиёти сиймолари ижодидан баҳрамандлик асосида ўсди, шаклланди, янги босқичга кўтарилди. Бу борада Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатов ва Қирғизистон халқ ёзувчиси Чингиз Айтматов ижодини алоҳида қайд этмоғимиз шарт. Улар ижодидаги миллий ўзига хослик, миллий ўзлик ғоялари ўзбек халқи илдизлари билан тамомила узвий боғланганлигини қиёсан ўрганиш лозим. Миллий ўзига хослик, ўзликни англашнинг тарихий асосларини тадқиқ қилишда жаҳон ва ўзбек адабий алоқаларига, уларнинг таъсирлантирувчи ва таъсирланувчи жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилиши ишнинг долзарблигини белгилайди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 18.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари талаблари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Е.Э.Бертельс, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад, Д.Дюришин, А.Н.Веселовский² каби олимлар адабиётларни қиёсий ўрганишда адабий таъсир масаласини ривожланишнинг муҳим омили деб қараганлар, унга типологик ҳодиса сифатида ёндошилган.

XX аср бошида А.Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» (1926) дарслигида Шарқ ва Ғарб адабиёти назарияси муаммолари қиёсий таҳлил қилинган. Л.Қаюмов, Ғ.Саломов, Ф.Сулаймонова, Н.Комилов, А.Рашидов Б.Саримсоқов, Ш.Дониёрова, С.Комилова, Ғ.Раҳимов³ каби олимлар ўз тадқиқотларида адабий алоқалар ва адабий таъсир миллий адабиётларнинг ўзига хослигида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида фикр билдирадилар. Ғ.Саломов «Адабий анъана ва бадиий таржима» монографиясида рус, озарбойжон, татар, инглиз, немис, француз тилларидаги бадиий матнларнинг Ўрта Осиё халқлари адабиётлари ривожига воситачилик функциясини тадқиқ қилди.

² Бертельс Е.Э. Избранные статьи. – Л.: Художественная литература, 1939; Жирмунский В.М. Эпическое творчество славянских народов и проблемы сравнительного изучения эпоса. – М.: Изд. АН СССР, 1958; Конрад Н.И. Запад и Восток. – М.: Наука, 1972; Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М.: Прогресс, 1979; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Наука, 1989.

³ Қаюмов Л. Меридианлардаги учрашув. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978; Саломов Ғ. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Т.: Фан, 1980; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимий ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Т.: Ўзбекистон, 1997; Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. – Т.: Маънавият, 1999; Рашидов А. Чингиз Айтматов олами. – Т.: Ўқитувчи, 2002; Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Фан, 2004; Дониёрова Ш. Миллий рух ва жаҳон романчилиги анъаналари // Жаҳон адабиёти. 2009; Комилова С.Э. XX аср охири XXI аср бошлари рус ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри поэтикасининг ривожини. Филол. фан. доктори (DSc) дисс. – Т., 2016; Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016.

Миллийлик, миллий ўзига хосликни англаш борасида жаҳон адабиётининг кўзга кўринган вакиллари Р.Ҳамзатов ва Ч.Айтматовнинг асарлари П.Черкесова, А.Акматалиев, Г.Гачев, К.Асаналиев, Д.Р.Иманкулов, Я.Цзуйхуа, Б.Д.Хунагова, М.С.Миекина, Х.М.Алиеванинг монография, диссертация ишлари ва мақолаларида атрофлича ёритилган⁴.

Ўзбек адабиётшунослигининг янги босқичида миллий характер ва миллий рух муаммоси М.Қўшжонов, А.Раҳимов, У.Норматов, К.Ташанов, М.Жавбўриев, А.Расулов, Г.Сатторова, И.Дильманов, Г.Эрназарова, Ҳ.Болтабоев, Б.Ботиров Ш.Дониярова, Н.Каримов, О.Шарафиддинов⁵ каби олимлар томонидан ҳар хил аспектда ўрганилган.

XX аср ўрталарида миллий ўзлик туйғусига соф адабий муаммо сифатида муносабат билдириш тенденция сифатида шаклланди. Хусусан, академик М.Қўшжоновнинг «Ўзбекнинг ўзлиги» монографиясида Абдулла Қодирий асарларидаги миллий рух, миллий ғурур, мантикийлик, психологик тасвир, миллий характер яратишнинг ранг-баранг усуллари ўрганилган. О.Шарафиддинов «Истибдод қурбони ёхуд ўзлигидан маҳрум этилган шоир» мақоласида ўзбек адабиёти ва маданиятининг йирик намояндаси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларининг халқнинг миллий уйғонишидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритса, А.Расулов «Бетакрор ўзлик» китобида Садриддин Айний, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Асқад Мухтор, Пиримкул Қодиров, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон каби адиблар ижодидаги одам ва оламга оид долзарб муаммоларни таҳлил қилади. Профессор А.Рашидовнинг «Чингиз Айтматов олами» монографиясида адиб асарларининг бадиий-эстетик кўлами, миллий характер яратиш маҳорати,

⁴ Черкесова П. Проблемы художественного перевода прозы и поэзии Расула Гамзатова. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-hudozhestvennogo-perevoda-prozy-i-poezii-rasula-gamzatova>; Акматалиев А. Роль творчества Ч.Айтматова в развитии взаимосвязей и взаимообогащения современных литератур Кыргызии и Казахстана. Автореферат дисс. ... канд. филологических наук. – Фрунзе, 1982; Гачев Г. Чингиз Айтматов и мировая литература. – Фрунзе: Кыргызстан, 1982; Асаналиев К. Чингиз Айтматов. Поэтика художественного образа. Автореферат дисс. ... канд. филологических наук. – Фрунзе, 1989; Иманкулов Д.Р. Ч.Айтматов и советский многонациональный театр. Автореферат дисс. ... канд. филологических наук. – Ленинград, 1990; Цзуйхуа Ян. Восприятие современной советской прозы в КНР (Ч.Айтматов, В.Распутин, Ю.Бондарев). Автореферат дисс. ... канд. филологических наук. – Москва, 1991; Хунагова Б.Д. Фольклорные традиции и художественные особенности эпической поэмы горцев (Р.Гамзатов, К.Кулиев). Автореферат дисс. ... канд. филологических наук. – Майкоп, 2004; Миекина М.С. Фольклорно-мифологические мотивы в прозе Чингиза Айтматова. Автореферат дисс... канд. филологических наук. – Томск, 2004; Алиева Х.М. Художественное своеобразие поэзии Расула Гамзатова: аспект национально-русского взаимодействия. Автореферат дисс. ... канд. филологических наук. – Махачкала, 2012.

⁵ Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Т., 1981; Раҳимов А. Миллий адабиётлар равнақи. – Т.: Фан, 1981; Норматов У. Етуклик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982; Ташанов К.Ю. Таржимада миллий характерни қайта тиклаш. Филол. фанл. номз. ... дисс. – Т., 1991; Жавбўриев М.М. Бадиий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш. Филол. фанл. номз... дисс. – Т., 1991; Расулов А. Ўзлик. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002; Сатторова Г.Ю. 90-йиллар ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. Филол. фанл. номз. дисс. – Т., 2002; Дильманов И.О. Қардош тиллардан эпос таржимасида миллий ўзига хосликнинг қайта талқини. Филол. фанл. номз. ... дисс. – Т., 2005; Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Орипов шеърини мисолида). Филол. фанл. номз. ... дисс. – Т., 2005; Болтабоев Ҳ. Ўзбекнинг қалб дафтари / Сўз сеҳри. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси илмий нашриёти, 2006; Ботиров Б.М. Ўзбек миллий характери шаклланишида кадрлар таъсирининг психологик хусусиятлари. Психол. фанл. номз. ... дисс. – Т., 2011; Даниярова Ш.Х. Истиклол даври романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси. Филол. фанл. докт. ... дисс. – Т., 2012; Каримов Н. Олтин кўприклар жозибаси. – Т.: Адиб, 2013; Шарафиддинов О. Танланган асарлар. – Т.: «Шарқ» НМАК, 2019.

инсон ва жамият, одам ва олам тақдирининг динамикаси, ҳаётий муаммолар ва ғоялар, маънавий-фалсафий-ахлоқий сабоқлари тадқиқ этилган. Уларда янгича бадиий-эстетик тамойиллар асосидаги миллий ўзлик туйғусининг турли қирралари очилган. Ўзбекистонда Р.Ҳамзатов ижоди билан боғлиқ ишлар нисбатан кам бўлса-да, бироқ Ч.Айтматов ижоди анча кенг ва чуқур таҳлил этилган. Бу борада А.Рашидов, Ғ.Саломов, Г.Ш.Абдуллаева, П.Мирзааҳмедова, С.Э.Комилова, Н.Сиздикбеков, Д.Т.Алиева каби олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин. Бироқ миллий ўзига хосликни англашда XX аср адабий сиймоларининг ўрни адабий таъсир ва тадрижий такомил нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг «Бадиий матн ва унинг поэтик таҳлили» мавзuidaги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми ҳамда Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2017–2020 йилларда амалга оширилган «Шарқ Ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий-лингвистик тадқиқи» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Миллий ўзига хосликни англаш жараёнида Ватан туйғуси, она тили каби миллий қадриятларнинг аҳамиятини кўрсатишда, Расул Ҳамзатов ва Чингиз Айтматов асарларининг ўзбек адабиётига таъсири ҳамда адабий алоқаларнинг мустаҳкамланишидаги ўрнини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий ўзига хосликни англашнинг тарихий, илмий-назарий асослари яратилишида адабий алоқаларнинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш;

миллий ўзига хосликни англашда бадиий характернинг бадиий-эстетик функциясини далиллаш;

ўзбек мумтоз адабиётининг Р.Ҳамзатов ва Ч.Айтматов ижодига таъсири ва уларнинг миллий адабиётимиз ривожига қўшган ҳиссасини қиёсий ўрганиш;

миллий ўзига хосликни англаш жараёнида ватанпарварлик, эрк туйғуси она тили ва миллий қадриятларнинг адиблар ижодидаги *таъсирлантирувчи* ўрнини аниқлаш;

XX асрдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, инсон омили, миллий ўзликнинг тарихий-психологик илдизларини асослаш, миллий истиқлол тафаккури шаклланишида адабий таъсирларни тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоий, А.Қодирий ва Ҳ.Олимжон асарларининг Р.Ҳамзатов, Ч.Айтматов ижодига, ўз навбатида, Р.Ҳамзатов, Ч.Айтматов асарларининг ўзбек адабиётига таъсири таҳлил қилиниб, қиёсий таҳлил объекти сифатида ўзбек адибларининг миллий ўзига хосликни англаш жараёни акс этган асарларига мурожаат қилинган.

Тадқиқотнинг предметини миллий ўзига хосликни англашнинг илмий-назарий асослари ривожланишида адабий алоқаларнинг ўрни ва Р.Ҳамзатов ҳамда Ч.Айтматов асарларининг ўзбек адабиётига таъсирини қиёсий аспектда ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, психологик таҳлил ва тавсифлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий ўзига хосликни англаш масаласида ўзбек мумтоз адабиёти ва маънавий-маданий меросининг, хусусан, Алишер Навоий, А.Фитрат, А.Қодирий, Ҳ.Олимжон асарларининг Р.Ҳамзатов, Ч.Айтматов каби адиблар ижодига таъсири асосланган;

адабий алоқалар жараёнида миллий адабиётларнинг ўзаро яқинлашиши, бир-бирига сингиш натижасида таъсирлантириши, маълум миллатга мансуб асар моҳиятидаги миллий қадриятлар натижасида умуминсоний аҳамият касб этиши каби адабий ҳодисаларнинг генезиси ва моҳияти, янги бадиий талқинлар ҳамда унсурларнинг адабиётлараро диапазонда уйғотувчи ва воситачи сифатидаги ўрни далилланган;

Р.Ҳамзатов ижодининг бош мақсади тасвир марказидаги инсоннинг қалб кечинмалари, изтироблари ва орзуларини ҳаётий, ҳаққоний, тадрижий такомилда ифодаланиши, унинг асарларидаги она тили, юрт қадри, миллий ғурур каби миллий қадриятлар тасвири миллий характер яратишнинг етакчи тамойилига айланганлиги исботланган;

Ч.Айтматов асарларидаги инсон руҳияти, унинг миллий ўзликни англаш жараёнидаги эврилишларнинг катта ҳаётий ҳақиқатларга асосланиши, адибнинг эстетик қарашлари мазмун-моҳиятида миллий маънавият, миллий онг ва миллий ўзлик, ижтимоий ҳурлик, эркин ва озод шахс концепциясининг ифодаланиши асосланган;

миллий ўзлик нуктаи назаридан идрок ва талқинни ўзгартирувчи моҳият сифатида адабий алоқаларнинг ўзбек адабиётига таъсири, адабиётлар ўртасидаги алоқа ва типологик ҳамда адабий талқиндаги муштаракликлар Р.Ҳамзатов ҳамда Ч.Айтматов ижодидаги фалсафийлик тамойилларига асосланган асарлари мисолида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий ўзига хосликни англаш, миллий ўзлик концепцияси адабиётнинг бош мақсади сифатида қадим тарихга эга эканлиги, унинг халқлар тақдири ва тараққиётидаги таъсирлантирувчи ўрни аниқланган;

адабий ҳодисаларнинг генезиси ва моҳияти, янги бадиий талқинлар ҳамда унсурларнинг адабиётлараро диапазонда уйғотувчи ва воситачи сифатидаги ўрни очиқ берилган;

макон ва замон чегараларида бир-бирига яқин бўлмаган адабиётлар ўртасида *таъсирлантирувчи* ва *таъсирланувчи* муносабатлар доираси шаклланиши аниқланган;

миллий ўзига хосликни англаш ва миллий характернинг Расул Ҳамзатов ҳамда Чингиз Айтматов асарларидаги бадиий-эстетик функцияси, унинг ўзбек адабиётида миллий истиқлол тафаккурининг шаклланишидаги аҳамияти компаративистика мезонлари асосида ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қардош халқлар адабиётини ўқитишнинг ўзига хос моҳиятини очиб беришда, амалдаги дастур ва дарсликларга қардош халқлар адабиётига доир мавзулар бўйича янги фактлар ҳамда қиёсий таҳлиллар киритилишига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти адабий алоқаларга доир асарлар таҳлили умумий ўрта таълим мактабларининг адабиёт дарслари учун бой материал бериши, энг аввало, ўқувчиларга адабий алоқаларнинг юзага келиши учун зарур тарихий шароитларни кўрсатиб бериб, кейин уларнинг намоён бўлиш шакллари ўргатилиши ҳамда адабиётшуносликка оид дарслик ва ўқув қўлланмаларни бойитиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Миллий ўзига хосликни англашда XX аср адабий сиймоларининг ўрни, Р.Ҳамзатов ва Ч.Айтматов ижоди ҳамда ўзбек адабиёти масалалари мавзусида олиб борилган илмий натижа ва хулосалардан:

миллий ўзига хосликни англаш масаласида ўзбек мумтоз адабиёти ва маънавий-маданий меросининг, хусусан, Алишер Навоий, А.Фитрат, А.Қодирий, Ҳ.Олимжон асарларининг Р.Ҳамзатов, Ч.Айтматов каби адиблар ижодига таъсирига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида 2019–2021 йилларда амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 24 сентябрдаги 264/1-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида амалга оширилаётган тадқиқотларнинг илмий салоҳияти ошишига эришилган;

адабий алоқалар жараёнида миллий адабиётларнинг ўзаро яқинлашиши, бир-бирига сингиш натижасида таъсирлантириши, маълум миллатга мансуб асар моҳиятидаги миллий қадриятларнинг умуминсоний аҳамият касб этишига олиб келиши каби адабий ҳодисаларнинг генезиси ва моҳияти, янги бадиий талқинлар ҳамда унсурларнинг адабиётлараро диапазонда уйғотувчи ва воситачи сифатидаги ўрнига оид илмий хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг тарғибот-ташвиқот тадбирларида ҳамда 2017–2020 йилларда амалга оширилган «Шарқ Ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий-лингвистик тадқиқи» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилди

(Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 21 июндаги 02/08-769-сонли далолатномаси). Натижада Республика Маънавият ва маърифат марказининг тарғибот-ташвиқот тадбирларининг адабий-маърифий таъсирчанлиги таъминланган;

атокли адиблар Р.Ҳамзатов ва Ч.Айтматов ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Адабий жараён», «Жаҳон адабиёти», «Ўзбек шеърияти», «Бедорлик» дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 27 сентябрдаги 04-25-1508-сон маълумотномаси). Натижада мазкур эшиттиришларда адабий алоқалар, миллий ўзлик туйғуси, адабий таъсир, ижодий ҳамкорлик хусусида янги маълумотларни тинловчиларга етказишга эришилган;

миллий ўзлик нуқтаи назаридан идрок ва талқинни ўзгартирувчи моҳият сифатида адабий алоқаларнинг ўзбек адабиётига таъсири, адабиётлар ўртасидаги алоқа ва типологик ҳамда адабий талқиндаги ўхшашликлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг халқаро адабий алоқаларни мустаҳкамлаш, адабий мулоқот ва тарғибот ишларида фойдаланилди (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 01-03/1122-сон далолатномаси). Натижада миллий ўзлик туйғусининг халқлар тақдири ва тараққиётидаги ўрни, унинг бадиий адабиётда акс этиши, ўзбек мумтоз адабиёти ва маънавий-маданий меросининг қардош халқлар адабиётига таъсирини кенг қўламда ўрганиш бўйича адабий ҳамкорликнинг кучайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро, 3 та республика конференциясида илмий маъруза шаклида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш нашр қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2 таси хориж журналларида чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 168 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Миллий ўзига хосликни англашда адабий алоқаларнинг роли**» деб номланган биринчи бобида жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида мавзуга оид маълумотлар ўрганилган ва таҳлил қилинган. Унинг «**Адабий алоқаларнинг генетик ва типологик уйғунлиги**» номли биринчи фаслида ўрганилаётган масала бўйича фалсафий фикрлар ва улар асосида жаҳон адабиётшунослигида шаклланган назарий қарашлар тадқиқ этилган.

XX аср миллатларнинг ўзлигини англаши ва миллий истиқлол тафаккурининг шаклланиши, мустақил давлатчилик тамойилларининг устуворлик касб этиши, ер шарининг турли ҳудудларида мустамлакачилик тизимининг барбод бўлиши оқибатида халқларнинг миллий ўзлигини англаши том маънода янги босқичга кўтарилгани билан инсоният тарихида қолади. Адабий-маданий алоқалар туфайли ҳар бир миллат бир-биридан ютуқ ва ижобий тажрибаларни ўрганади.

Ҳар қандай миллий адабиётнинг асосини унинг миллатга руҳ бағишловчи тарихи ва тили, миллий қадрият ҳамда анъаналари ташкил этади. Миллий ўзлик – халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маърифий мероси, миллий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари, ота-боболаримизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги жасорати, бунёдкорлик ишлари, тафаккур хазинаси, истеъдод ва ақл-заковати, ахлоқ ва бурч масъулияти билан уйғунлашган илғор ғоялардан иборат. Мустабид тузумнинг миллий тараққиётга ва миллий адабиётларга нисбатан турли чекловлари, таъқиқлари кўп бўлишига қарамасдан, XX асрнинг иккинчи ярмида собиқ иттифоқнинг кўп миллатли адабиётида том маънода миллатларнинг ўзлигини англаш жараёни кучайди. Болтиқбўйи республикаларида Эдуардас Межелайтес, Кавказда Расул Ҳамзатов ва Қайсин Қулиев, Волгабўйи ва Сибирь кенгликларида Мустай Карим ва Давид Қўғилтинов, Ўрта Осиёда эса Чингиз Айтматов, Шукрулло, Шухрат сингари миллий тилларда ижод қилаётган эркин тафаккурли адиблар майдонга чиқди. Бу борадаги мавжуд тўсиқ ва таҳдидларни енгиб, ўзига хос йўли ва услуби билан миллий ўзлик ва қалб озодлиги борасида шоир Расул Ҳамзатовнинг оташин ва ёвқур шеърияти миллати ва элатидан қатъий назар ҳар бир ижодкор юрагида она Ватанга бўлган муҳаббатни, севги-садоқатни улғайтирди, миллий ғурур ва ифтихорларини баланд овоз ила қуйлашга даъват этди.

Адабиётшунос олим Н.Шукуровнинг фикрича, «Расул Ҳамзатов асарлари қандайдир ўз шахси, ҳатто ўз миллати манфаатлари билан чекланган туйғулар ва фикрлар ифодасигина эмас, балки XX аср кучларининг олдинги сафларида турган прогрессив инсоният қалбининг акс-садосидир. Унинг ижоди дунё миқёсидаги воқеа-ҳодисаларни ўзининг қалб мулкига айлантириб, чуқур идрок этиб, бадиий ифодалаш орқали

умумбашарий аҳамият касб этган».⁶ Ўз навбатида, Шарқ адабиётидан, хусусан, буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлиб, бетакрор асарлар яратган Р.Ҳамзатов вақти келиб ўзбек адабиётида миллий ўзликни англаш жараёнлари тақомилига, адабиётда эрк ва озодлик тараннум этилган асарлар яратилишига ўзига хос таъсир кўрсатди. Бу ҳақда унинг ўзи «Ҳар бир халқ ўзини ўзи шакллантиради, ўзига ўзи ном беради. Ўзбекистон қадимий тарихга эга... Наҳотки, буни рад қилиб бўлса? Бир-биримизнинг тарихимизни ўрганайлик. Агар халқлар бир-бирларининг тарихига ҳурмат билан қараб уни ўрганадиган бўлса, бу жуда яхши-ку!»⁷ деб ёзади.

Олима Б.Д.Хунагова⁸ тадқиқотларида Р.Ҳамзатов ва Қ.Кулиев эпик достонларидаги миллий-маданий ўзгаришларнинг ўхшашлиги қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқотчи Х.Алиева таъкидлаганидек, «Р.Ҳамзатовнинг бой ва бетакрор ижодининг илдизлари авар халқининг миллий мероси ва қадриятлари билан чамбарчас боғланиб кетган»⁹. Р.Ҳамзатов насрини ўрганган тадқиқотчилар З.Агаева¹⁰ ва Х.Магомедова¹¹ адиб асарларида замон ва макондаги ўзгаришлар инсон концепциясида қай даражада акс этганини таҳлил қилади. Проф. П.Черкесова¹² Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» асаридаги фалсафий фикрлар, тарихий қиёсларни романтик тасвирлар билан уйғунлаштириш, миллий хусусиятлар улуғворлигини умумлаштириш маҳоратига юксак баҳо беради.

Расул Ҳамзатов асарлари XX асрнинг иккинчи ярмида халқимиз маънавий ҳаётига кириб келган бўлса-да, унинг сермахсул ижоди ҳали адабиётшунослигимизда махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас. Адабий алоқалар ва ижодий ҳамкорлик мавзуларига бағишланган мақолалар ва тадқиқотларда бу масала бўйича ҳам йўл-йўлакай фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган.

Р.Ҳамзатовнинг «Доғистоним» китоби (1968) собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда чоп этилади¹³. Адибнинг ижодий жасорати ва юксак адабий маҳорати ўзбек адабиётида миллий ўзликни англаш жараёнлари янада кучайишига ҳам ўзига хос таъсир кўрсатди. Айнан унинг воситасида миллий ўзлик ифодасини тараннум этган асарлар кўпайди. Чунки миллий ўзликда ёзувчи шахсияти, реал ҳаёт тамойиллари, турмуш тарзининг бадиий ижод жараёнида намоён бўлиши кабилар ўз аксини топади.

⁶ Шукуров Н. Лочиннинг парвози / Бу олам сахнида. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. – Б.106.

⁷ Ҳамзатов Р. Среди развалин древнего Дербента / Изб. произведения. – Т.8. Москва: Советский писатель, 2003. С.94.

⁸ Хунагова Б.Д. Фольклорные традиции и художественные особенности эпической поэмы горцев (Р.Ҳамзатов, Қ.Кулиев). Автореферат дисс...канд. филологических наук. – Майкоп, 2004.

⁹ Алиева Х.М. Художественное своеобразие поэзии Расула Ҳамзатова: аспект национально-русского взаимодействия. Автореферат дисс. ... канд. филологических наук. Махачкала, 2012.

¹⁰ Агаева З.А. Пейзаж как атрибут национального мировосприятия и художественного своеобразие в творчестве Расула Ҳамзатова. Автореферат дисс. канд. филологических наук. – Махачкала, 2004.

¹¹ Магомедова Х. Проза Расула Ҳамзатова: жанровые особенности. – М.: Наука, 2010.

¹² Черкесова П. Проблемы художественного перевода прозы и поэзии Расула Ҳамзатова. <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-hudozhestvennogo-perevoda-prozy-i-poezii-rasula-gamzatova>

¹³ Ҳамзатов Р. Доғистоним. Э.Воҳидов тарж. // Гулистон, 1968. №1–8.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли *«Ижтимоий зиддиятларнинг бадий талқини»* деб номланган бўлиб, унда Ч.Айтматов ижодидаги миллатпарварликка доир қарашлар адабий таъсир кесимида ўрганилди.

Чингиз Айтматов XX асрнинг 60-йилларида катта ижод майдонига кириб келди ва жамият таъйиқи остида айтиш мумкин бўлмаган мавзу ва муаммоларни кўтаришга, янгича қиёфа ҳамда қарашга эга кишилар образини яратишга уринди. Адиб инсоннинг жамиятдаги ўрни, роли, мавқеи, эмин-эркин яшаши, қилган меҳнатидан ҳам жисмонан, ҳам маънан қониқиши, кўнгил истагига кўра севиш ва севилиш ҳуқуқига эга бўлиши зарурлигини англади ва уларни адабиётга дадил олиб кирди. Шу боисдан ҳам ёзувчининг қаҳрамонлари анча-мунча қолипларга сиғмайди. Чингиз Айтматов асарлари юртимиздаги оддий китобхонларнинг онги, дунёқараши, ҳуққи ва турмуш тарзига жиддий ижобий таъсир кўрсатди, уларни ҳаётда учрайдиган қийинчилик ҳамда тўсиқларни ақл ва матонат билан енгиб ўтишга ўргатди. К.Асаналиевнинг фикрича¹⁴, Чингиз Айтматов асарларига хос миллий воқелик ва унинг ифодаси, миллий характер шаклланиши, ҳаёлий (фантастик) ва реал воқеаларнинг халқ оғзаки ижоди, хусусан, «Манас» эпосидаги халқ қаҳрамонининг фалсафаси, эътиқоди, ахлоқий фазилатларининг диалектик усуллари, икки тиллилик ва бадий тафаккурнинг уйғунлиги адибнинг бутун ижодида намоён бўлиши кўрсатиб берилган.

Д.Иманкулов¹⁵ «Чингиз Айтматов ва кўпмиллатли совет театри» мавзусидаги илмий тадқиқотида адибнинг «замонавий театр маданиятини янги босқичга олиб чиқувчи» мақомига муносиб эканлигини таъкидлайди. Фольклор-афсоналарнинг Ч.Айтматов асарларига таъсири эволюциясини ўрганган М.С.Миекина¹⁶ адибнинг сўнгги асарларида ёзувчининг ўзи ҳам афсонавий мақомларни бадий асарларига (мас., «Кассандра тамғаси») киритганлигини кўрсатиб, улуғ адиб қадимги туркларнинг дунёқарашига асосланган, янги ўзига хос афсонавий дунё модели мақомини яратди, дея ҳулоса қилади. Хитойлик олим Ян Цзуйхуа¹⁷ машҳур адиблар Ч.Айтматов, В.Распутин, Ю.Бондаревнинг ижодлари ва эстетик қарашларидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар ҳамда ўзаро таъсир масалаларини таҳлил қилади.

Чингиз Айтматовнинг асарлари Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев, Маҳкам Маҳмудов, Нурали Қобул каби таржимонлар томонидан юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилган. Адиб асарларида тасвирланган воқеалар, чизилган манзаралар, яратилган персонажлар тақдири ўзбек халқи ҳаётига яқинлиги билан қимматлидир. Чингиз Айтматов қаламга олган мавзу, муаммо ва воқеалар тасвири ўзининг ғоявий йўналиши, бадийлиги, ниятларининг эзгулиги билан ўзбек адиблари асарларига ҳамоҳангдир.

¹⁴ Асаналиев К. Чингиз Айтматов: Поэтика художественного образа. Автореферат дисс. доктора филол. наук. – Фрунзе, 1989.

¹⁵ Иманкулов Д. Чингиз Айтматов и многонациональный советский театр. Автореферат дисс. ... кандидата филол. наук. – Ленинград, 1990.

¹⁶ Миекина М.С. Фольклорно-мифологические мотивы в прозе Чингиза Айтматова. – Томск, 2004.

¹⁷ Цзуйхуа Ян. XXРда замонавий совет насри талқини (Ч.Айтматов, В.Распутин, Ю.Бондарев). – М., 1991.

Бунинг сабабларини асли қадим туркий халқлар авлоди бўлган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркманларнинг тили, дили, дини, турмуш тарзи ва тарихидаги уйғунликдан излаш тўғрироқ бўлади. Адиб асарларини синчиклаб ўқиган китобхон унинг Шарқ маънавий-адабий мероси билан моҳиятан қанчалар уйғун эканлигини англайди. Жумладан, адиб асарларида ифодаланган мавзу ва муаммолар, қаҳрамонлар тақдиридаги ўхшашликлар, воқеалар ифодасидаги муаммолар ечими миллий ўзлик асосига қурилгани билан аҳамиятлидир.

Академик Б.Назаров таъкидлаганидек: «Чингиз Айтматовнинг ўзбек ёзувчилари ижодига бевосита ҳам билвосита кўрсатган ва кўрсатиб келаётган таъсирига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» тетралогиясидаги Амир Темурнинг Хонўғлон лақабли аргумоғи тасвирида Чингиз Айтматовдаги Тошчайнар, Акбара, Гулсараларни тасвирлаш тамойили таъсирини сезмаслик мумкин эмас»¹⁸.

Чингиз Айтматов ижодининг ўзбек адабиётига таъсири ҳақида гапирганда, аввало, икки адабиётда яратилган қаҳрамонлар характеридаги ўхшашликни эътиборга олиш лозим. Адибнинг «Алвидо, Гулсари» ва Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссалари инсоннинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзлигини йўқотмаслиги, одамийлигини бой бермаслиги, ғайриинсонийликка қарши курашиши, ақл-фаросат билан иш тутиши, ҳар қандай иллатни дадил фош этиш, жисмоний кучни жиловлаб, маънавий устунликка эришиш ғояси бирлаштириб туради. Вақт ўтгани сайин адиб асарлари ўзининг янги қирраларини намоён қилиб, унинг миллий характер яратиш маҳоратининг нуфузи ва даражасининг жаҳоний миқёси юксалиб бормоқда. «Бу жиҳатдан Нормурод Норқобилов, Исажон Султон, Баҳодир Қобул асарлари характерлидир. Буюк қирғиз адибининг «Қиёмат», «Охирзамон нишонлари» романларида илгари сурилган фалсафий ғоялар Исажон Султоннинг «Боқий дарбадар», «Озод», «Генетик» романлари мазмун-моҳиятига сингиб кетганини сезиш қийин эмас. Масалан, «Қиёмат» романида ёзилишича, «Бизнинг Худо ҳақидаги фикрларимиз қанчалар мутлақ ва ўзгармас бўлмасин, улар эндиликда дунё ҳақидаги янгича билимларга сира мос келмай, эскириб қолади». Айнан шу фикр Исажон Султоннинг «Боқий дарбадар» романида бир гуруҳ дунё олимларининг янги одам-геномен яратиш, яъни Аллоҳнинг яратувчилик кашфиётига ширк келтириш тўғрисидаги ғояси билан ҳамоҳангдир. Ҳар икки асарда ҳам замона кишиларининг Худони инкор этиб, қиёматни яқинлаштираётган кимсаларнинг фожиаси мангу дарбадарликка ҳукм этилган этикдўз билан нашафурушлар тимсоли орқали реал ифодаланган»¹⁹.

Адабиётнинг қиёфасини ўқувчининг эстетик диди ва дунёқарашини шакллантирадиган асарлар белгилайди. Ч.Айтматовнинг ўткир конфликтли,

¹⁸ Назаров Б. Буюк адибга эҳтиром / Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон. – Т.: Ё.Ғу лом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 46.

¹⁹ Солижонов Й. Муштараклик, ҳамоҳанглик ўзига хослик. Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.199-200.

ҳаётий асарлари жаҳон миқёсига чикди. Улар нафақат тили, балки миллий ўзлик асосидаги композицион қурилиши ва ғояси ҳам билан ажралиб туради.

Диссертациянинг «**Бадиий адабиётда миллий ўзига хослик инъикоси ва унинг адабий жараёнга таъсири**» деб номланган иккинчи бобида миллий адабиётларнинг бир-бирига ўзаро таъсири ўрганилган. Биринчи фаслда «**Миллий характернинг Р.Ҳамзатов асарларидаги бадиий-эстетик функцияси**» тадқиқ этилган.

XX аср адабиётида мустабид тузумнинг мавжуд тўсиқ ва таҳдидларини писанд қилмай, ўзига хос йўли ва услуби билан миллий ўзлик борасида қатъий сўзини айтган адиблардан бири Расул Ҳамзатов эди. Унинг асарлари таъсири 60-йилларда Э.Воҳидов ва А.Орипов каби ўзбек шоирлари шеърларида намоён бўлди. «Йўқ, ҳаловат истамайман» (1960) шеърида «*Тўлқин урган уммонча бор, Юракдаги тугёним*» деб ҳайқирган Э.Воҳидов комиллик сирларини англаш, эътиқод ва адолатнинг устуворлигига эришиш учун нафс қайғусидан кечиб, аёвсиз гирдоблар билан курашиш кераклигини виждон амри ва юрак тугёни ила ҳис қилади.

А.Орипов ижодидаги миллий ватанпарварлик, эзгулик туйғулари илк шеърларидаёқ бўйи кўрсатди. Шоир «Юзма-юз» (1964) шеърида биринчилардан бўлиб зулмат ва зулмга қарши рамзий исённи очик ифодалади.

Бугунги глобаллашув жараёнида миллий қадриятлар, миллий анъаналарнинг мустаҳкам асосларини сақлаш халқнинг ва жамиятнинг маданий-сиёсий тамойилларига боғлиқ. Миллий ўзликни англашнинг муҳим асослари, аввало, миллий онг, миллий ўзига хослик, миллатга мансубликни юксак даражада англаш ва қадрлашдан бошланади.

Р.Ҳамзатов ўз даврида Шарқ адабиёти, хусусан, буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодидан баҳраманд бўлди, асарларидан рухий-маънавий таъсирланди. Авар шоири вақти келиб ўзбек адабиётида миллий ўзликни англаш жараёнлари такомилга, адабиётда эрк мавзуси тараннум этилган асарлар яратилишига ўзига хос таъсир кўрсатди.

Бобнинг иккинчи фасли «**Чингиз Айтматов асарларида характер ва тасвир руҳияти**» деб номланган бўлиб, унда миллий ўзликни англаш бевосита шахс ҳаёти, тақдири билан боғлиқ ҳодиса сифатида ўрганилган.

Собиқ шўро даврида Чингиз Айтматовнинг биринчи қиссасига француз адиби Луи Арагон «Жамила» ер юзидаги муҳаббат ҳақидаги энг гўзал дostonдир», дея юксак баҳо беради.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарлари нафақат Шарқдаги илк замонавий романлар сифатида, балки юксак бадиияти ва бетакрор ширали тили билан ўз даврида қардош адабиётлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Адиб «Ўткан кунлар» қаҳрамонлари тақдирини шарқона анъаналарга мувофиқ аянчли айрилиқ ва аччиқ қисмат билан якунлаган бўлса-да, «Меҳробдан чаён» романида муҳаббат мавзусига тамомила янгича ёндашади. Отабекнинг Кумушидан Анварнинг Раъноси ўз журъати, севгиси, тақдири учун курашчанлиги билан тамомила ажралиб

туради. Раъно ҳам Отабек ва Мирзакарим кутидорни дор тагидан қайтариб қолган жасоратли Кумушдек замона битаётган ҳукмларни қисмат деб билмайди. Бу асарда илк бора адиб Кумушдаги журъатни Раъно орқали қатъият даражасига кўтаради ва нафақат ўзбек, балки Шарқ қизининг замона чекловларини писанд этмай ўз бахти учун дадил курашини ишонарли ифодалайди. Бу эса, ўз навбатида, Чингиз Айтматовга кучли таъсир кўрсатади. Айтматовнинг илк қиссасини айнан шу руҳда ёзгани ҳам буни исботлаб турибди. Раъно ва Жамила табиатидаги севган йигитларини лол этган, ҳаё пардасидан чиқмаган журъат ва қатъият ҳақида қиёсий фикрларимиз борки, бу Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасини ёзишда Абдулла Қодирий бошлаб берган ўзига хос анъанадан таъсирланганлиги билан боғлиқ. Жамила урушда қон кечиб юрган аскарнинг хотини эди. Ана шу томони Дониёрнинг юрагини ўртарди. Лекин у бу иложсизлик чегарасидан қандай ўтишни билмасди. Ана шунда «жасур аёл» Жамила бу қалтис чегарани ўз журъати ва жасорати билан бузиб ўтади. Чунки «Хоннинг ифлос тўшагида ётмайман», деган Раъно каби унинг ҳам бахтли яшашга ҳаққи бор эди. Ана шу каби бахтга эришиш ҳуқуқи Жамилани шундай қалтис қадам ташлашга ундаган эди.

Ўзбек романчилик мактабида, хусусан, А.Қодирий ижод мактабида таҳсил олган ва Тошкентда илмий фаолият олиб борган қозоқ адиби М.Авезов улуғ ёзувчи шахсиятига ихлосини шогирдларига ҳам сингдирган эди. М.Авезовни ўзига устоз деб билган Ч.Айтматов А.Қодирий асарларини ўқимаган бўлиши мумкин эмас. Барча замонларда ҳам ҳар бир миллий адабиётнинг раванқ топиши, такомилга эришуви қардош халқлар адабиётлари билан ижодий ҳамкорлик ва адабий алоқаларнинг қанчалик мустаҳкам эканлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бебаҳо санъат намуналари ҳисобланган «Меҳробдан чаён» ва «Жамила» асарлари инсоният руҳий олами ва маънавий камолотининг юксалишига улкан ҳисса қўшди. Икки асар хотимаси билан боғлиқ жиҳатларда ҳам шунчалик ўхшашлик ва яқинлик борки, ўқувчи бундан ҳайратга тушади. Абдулла Қодирий асарлари боис нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Шарқда одамларнинг ҳавас ва эътирофлари ифодаси сифатида Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно каби исмлар кенг тарқалди. Бу асарларнинг яна бир тарихий аҳамияти шундаки, ундаги тақдир синовлари ва зарбалари қаршисида эсанкирамайдиган, курашчан қаҳрамонлар қардош халқлар адабиётида миллий образлар яратилишига ўз таъсирини ўтказди.

Диссертациянинг учинчи боби **«Миллий ўзига хосликни акс эттирувчи омиллар»** деб номланган бўлиб, миллий ўзлик ва миллий характер тасвирида етакчи ўрин тутадиган омиллар ва психологик воситалар таҳлил қилинган. **«Ватан, она тили ва миллий қадриятларнинг XX аср адабиётидаги ифодаси»** деб аталган биринчи фаслда Миртемирнинг «Она тилим», Э.Воҳидовнинг «Она тилим ўлмайди», А.Ориповнинг «Она тилимга», Р.Парфининг «Она тилим» каби шеърлари мотивининг миллий ўзлик ва миллий характерни очиб беришдаги ўрни ва аҳамияти ўрганилади.

Ҳар бир миллат тарихининг энг мураккаб жараёнларида унинг миллат сифатидаги улуғлиги, ноёб фазилатлари, мардлик ва жасоратини намоён қилувчи шахслар пайдо бўлади.

Р.Ҳамзатов «Она тилим» шеърида шундай сатрларни битганди: *Авар сўзин тинглаб кирди менга жон, Оҳиста тирилдим ва шунда билдим... Эрта она тилим агар йўқолса, Мен бугун ўлишига бўлурман ризо.* Қ.Йўлдошевнинг фикрича, «Шоир билади: авар тили жаҳон тили бўла олмайди, у халқаро тил сифатида тан ҳам олинган эмас, кўпсонли миллатнинг тили бўлмаганлиги учунгина буюк деб аталадиган забонлар сирасига кира олмайди. Лекин лирик қаҳрамон учун барибир, авар тили энг суюк, энг буюк тиллигича қолаверади. Чунки у она тилидир... Чунки ўзга тиллар унга бегона. Ватанни танлаб бўлмаганидек, тилни ҳам танлаб бўлмас. Чин она тилининг буюклигини исботлаш учун интилиш асл фарзанднинг бурчи»²⁰.

Расул Ҳамзатов учун бу улуғ бурч ижодининг олий мақсадига чиққанлиги учун ҳам унинг асарлари тинчлик ва эзгулик, меҳр ва муҳаббат элчиси сифатида эрксевар инсонларни бирлаштирди. Р.Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним», Шукруллонинг «Жавоҳирлар сандиғи» асарлари, Миртемирнинг «Она тилим», Э.Воҳидовнинг «Она тилим ўлмайди», А.Ориповнинг «Она тилимга», Р.Парфининг «Она тилим» шеърларида юрт тупроғи, халқ ва унинг миллий қадриятлари ва она тили улуғланди. Албатта, мавзунини ёритишда, мазмунни шакллантириш ва китобхон онгу шуурига сингдиришда ҳар бир ижодкорнинг ўз йўли, таъсир ўтказиш усуллари ва оҳанги бор. Миртемирнинг «Она тилим» шеъри тил эгаси бўлган миллатнинг ўтмиши, қадим маданияти, тил бойликлари ҳақида ҳам маълум тушунча беради ва ўқувчи қалбида она тилига ҳурмат, муҳаббат туйғусини уйғотади. Э.Воҳидовнинг «Она тилим ўлмайди» шеъри она тилимизнинг муҳташамлигини намоён этувчи теран фалсафий мазмундорлиги билан ажралиб туради.

Шоир жамиятнинг ижтимоий зиддиятлари билан боғлиқ поэтик кашфиёт яратади:....*Тиллар йўқолур буткул, Бир тил қолур дунёда. Эй воиз, пастга тушгин, Бу гап чиқди қаердан! Навоий билан Пушкин... Туриб келди қабрдан.*

Шоир поэтик мушоҳадасининг чуқурлиги, тафсилий тасвирнинг теранлиги шундаки, она тилида сўзлашиш ва унинг улуғворлигини юракдан ҳис қилиш инсоннинг ўз қалбини, ўзлигини, миллий ғурурини мустаҳкамловчи мўъжизавий қудрат эканлигига ўқувчини ишонтиради: *Она тилим ўлмайди.* Э.Воҳидов она тилининг миллат тараққиётидаги ўрнини фалсафий-поэтик ташбеҳлар орқали ифодалайди.

Бундай асарлар силсиласининг яралишида ижодкорларнинг маҳорати ва шахсий услуб қирралари билан бир қаторда она тилига эътиқоди, уни асраш йўлидаги курашлари ўз ифодасини топган. Бу шеърлар замирида шоирларнинг эстетик идеали, она тилига муносабат орқали давр ва жамият, замон ва макон, ўтмиш ва келажак ҳақидаги қарашлари, фикрлари мужассам.

²⁰ Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.118.

Р.Ҳамзатов, Ч.Айтматов, Миртемир, Шукрулло, Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи каби миллатпарвар ижодкорлар ўзларининг исёнкор асарлари билан Ватан ва халқ тақдирида, умуман, жаҳон тараққиётида улкан бурилишлар ясаб, миллат ва юрт тимсолига айландилар.

Абдулла Ориповнинг «Она тилимга» шеъри, унинг замиридаги миллат руҳияти, онгу шуурига таъсир қиладиган, мудроқ қалбни уйғотадиган тағдор маъноларни ўқир экан, китобхон хайратга тушади. Улуғ аждодлардан мерос озод сўз масъулияти ва шеърият ҳукуқи асносида шоир тўғридан-тўғри мустабид тузумга мурожаат қилади: *Мен минг йиллардирки булбул бўлиб ўз тилида ўзлик қўшигини айтиб келаётган миллат фарзандиман, мен асло айтган сўзингни такрорлайдиган тўти эмасман, менинг ўз она тилим бор, шу тилда шеър айтаман, тилим йўқоладиган бўлса, тўтига айланиб қоламан.* Шеър моҳиятида шоирнинг «барибир мени тўти қилолмайсан», деган исёнкор нафаси бор.

Рауф Парфининг «Она тилим» шеъри (1965)да²¹ Расул Ҳамзатов шеъриятининг дарддош ва сирдош дўстидай ошино туғёнларини юракдан ҳис қиламиз: *Абут-Турк тарихдан балки бир ҳикмат, бироқ сен борсан-ку Турон элинда. Шоир, Сўз айтмакка сен шошма фақат, улуғ Алишернинг қутлуг тилинда.* Шоир қалбидаги энг муқаддас ҳис-туйғулар «руҳининг қонида», қалбида туғён уйғотади, ёлқин бўлиб ёнади.

Омон Матжон, Анвар Обиджон каби шоирлар ижодида ҳам ватан ва она тилининг курашларга бой ўтмиши, ўзига хос хусусиятлари ҳақида энг оташин фикрлар айтилади. Зеро, киндик қони томган табаррук тупроқ ва она халққа меҳр, садоқат туйғуси ҳар бир ижодкор қалбига фахру ифтихор бахш этадиган олий қадриятдир.

Омон Матжоннинг ватанпарварлик мавзусидаги асарларида асосий эътибор ўтмишнинг нурли ва нурсиз саҳифаларини холисона ёритишга, улуғ аждодларнинг илмий-маданий-адабий меросларини XX аср ёшларига таништириш ва уларнинг қалбида миллий ғурур туйғуларини уйғотишга қаратилган. Анвар Обиджоннинг ҳам болаларга, ҳам катталарга аталган асарларини ватанга муҳаббат, эътиқод руҳи бирлаштириб туради. Шоир аждодлардан мерос эрк ва озодлик, адолат сўзларининг маъносини бугунги авлод англашини, қадрлашини истади. Усмон Азим ижодидаги миллий руҳнинг ниҳоятда ёрқин, соф манзаралари ўзбек поэзияси учун фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Бу жиҳатлар шоирнинг «Мирзо Улуғбекнинг ўкинчи», «Ватан ҳақида шеър», «Улкан одам», «Мўмин Мирзонинг сўнгги қўшиғи» каби шеърлари ва «Бахшиёна» туркумида янада яққолроқ намоён бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, миллий ўзликнинг шаклланиши миллий тараққиёт тамойиллари, табиий муҳит, тарбиявий тизим хусусиятлари, диний-маърифий таълимот таъсири билан уйғунликда кечади. Маънавий қадриятларнинг юксалиши миллий ўзликни англаш жараёни, халқнинг маънавий-руҳий илдизлари, жумладан, адабий меросига нечоғлик интилишида намоён бўлади.

²¹ Парфи Р. Сайланма. – Т.: Академнашр, 2013. – Б.302.

